



## МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЕР СОЛИГИ ТУШУМЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мейлиев Обид Рахматуллаевич

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси.

ORCID:0000-0002-8586-8858

## WAYS TO INCREASE REVENUE FROM LAND TAX TO ENSURE THE SUSTAINABILITY OF LOCAL BUDGET REVENUES

Meyliev Obid Rakhmatullaevich

Independent researcher of Tashkent Financial Institute

ORCID:0000-0002-8586-8858

**JEL Classification:** H1,H2

**Аннотация.** Мақолада ер солигининг моҳияти ва хусусиятлари, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришидаги ўрни ва аҳамияти, ер солиги суммасини солиқ тўловчилар гуруҳлари бўйича шаклланиши, маҳаллий бюджетларга ер солигидан тушумларнинг амалдаги ҳолати ўрганилган, шунингдек, маҳаллий бюджетлар даромадларига таъсир кўрсатувчи омилларни эконометрик таҳлилини амалга ошириши жараёнида мавжуд муаммолар аниқланган ва ечим сифатида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Маълумки маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаларидан бири ер солиги ҳисоблансада, уларнинг бюджет даромадларидаги улуши юқори эмас. Чунки ер солигини амал қилиши механизмида ҳанузгача бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганлиги, жумладан, ер солиги ставкаларининг белгиланишидаги номутаносибликлар, ерлар балл бонитетини аниқлашдаги муаммолар, қўлланилаётган солиқ имтиёзларининг амалда ўзининг ижобий самарасини бермаётганлиги каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Жаҳон амалиётида ер солиги ресурслардан фойдаланганлик учун ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишига қаратилган солиқ сифатида тартибга солувчи ва молиялаштирувчи солиқлар таркибидаги муҳим солиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ер солигини аҳамиятини ошириш борасида бир қатор чора-тадбирларнинг белгиланиши ва амалга оширилишига қарамасдан айрим муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги, уларни замон талаблари асосида тақомиллаштиришини тақазо қилмоқда.

Республикамида ер солиги механизмида солиқ тўловчилар сони ва фойдаланилган ер участкаларини ҳисобга олган ҳолда, ер солигини хўжалик юритувчи субъектларнинг ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишига таъсирини баҳолашнинг имконияти мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида ривожланган мамлакатлар ижобий тажрибасидан оқилоно фойдаланиши орқали мамлакатимизда кўчмас мулк солигини жорий этиши асносида улар қийматини аниқлаш имконини яратиш зарурлигини тақазо этади. Мазкур мақолада Panel моделлари асосида маҳаллий бюджетлар даромадларини эконометрик моделлаштириши натижасида ер солигидан тушумларнинг ҳамда ер солиги тўловчи юридик шахслар сонининг ортиши маҳаллий бюджетлар даромадларининг ортишига таъсир этувчи энг муҳим омил эканлиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, мақолада ер солигидан тушумларни ошириши асносида маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган.

**Abstract.** The article illustrates the characteristics of property land tax, its importance in the formation of the revenues of local budgets, the formation of the amount of land tax according to types of taxpayers. Moreover, the current state of receipts from land tax to local budgets are investigated, as well as the existing problems in the process of performing an econometric analysis of factors affecting the revenues of local budgets and some suggestions are provided as a solution.

Although, one of the main sources of income of local budgets is land tax, their shares in budget revenues are not significant. Because there are still a number of problems in the land tax within the implementation mechanism, including the imbalances in the determination of land tax rates, problems in determining the credit rating of land, and the fact that the applied tax incentives do not have a positive effect in practice.

In world practice, land tax is one of the vital tax with its regulatory and financial character among taxes for the use of land resources and environmental protection.

Today, despite the establishment and implementation of a number of measures to increase the importance of land tax in our country, some problems remain, which calls for their improvement based on the requirements of the times.

There is no possibility to assess the impact of land tax on the effective and rational use of land resources by economic entities, as taking into consideration the number of taxpayers and used land plots in the land tax mechanism in our Republic of Uzbekistan. This, in turn, indicates the need to create an opportunity to determine their value during the introduction of real estate tax in our country by rationally using the positive experience of developed countries.

As a result of econometric modeling of incomes of local budgets based on Panel models in this article, it was determined that the increase in income from land tax and the number of legal entities paying land tax is the most important factor affecting the increase in incomes of local budgets. In conclusion, the article focuses on the possibilities of ensuring the stability of local budgets'

incomes as a result of improving the income from land tax.

**Калим сўзлар.** кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджетлар даромадлари, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлиги, ер ресурслари, ер солиги, маҳаллий давлат ҳокимият органлари.

**Keywords.** real estate, local budget, local budget revenues, stability of local budget revenues, land resources, land tax, local governments

**Кириш.** Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатишларида асосий молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларини бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий бюджет даромадларини кўпайиши ва ресурсларни тежамкорлик билан сарфланиши вазифаси юклатилади. Ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, улар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилганидек, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”[1]. Конституцияда ернинг ресурс сифатида ўз ифодасини топиши ҳамда хукукий муҳофазаланиши, ундан оқилона фойдаланиш лозимлигининг қайд этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ерга оид муносабатлар давлат томонидан тартибга солиниши керак бўлган энг муҳим йўналишлардан биридир.

“Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш

зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади”[2].

Жаҳон амалиётида ресурслардан фойдаланганлик учун ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган солиқлар тартибга соловчи ва молиялаштирувчи солиқлар сифатида эътироф этилиб, биринчиси, тўғридан-тўғри хўжалик субъектларининг ресурслардан фойдаланишини тартибга солиш, солиқ миқдори атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдоридан, техник имкониятлардан ва хўжалик фаолиятининг иқтисодий рентабиллигидан келиб чиқиб белгиланса, иккинчиси эса, ресурсларни муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш учун молиявий ресурсларни шакллантиришга хизмат қиласди. Бу турдаги солиқларнинг хусусиятлари хўжалик фаолиятининг ресурсларга қатъий салбий таъсири билан боғлиқ бўлмай, солиқ миқдори фойдалилик даражаси ва узлуксиз молиявий тушумлар мезони асосида белгиланади.

**Материал ва метод.** Ер солиғи, хусусан қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш борасидаги муаммолар кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Кўчмас мулкларни солиққа тортишни ривожлантиришнинг фундаментал ғоялари турли иқтисодий мактаблар вакилларининг илмий ишларида, шу жумладан, француз иқтисодчилар мактаби (Ф.Кенэ, А.Р.Ж Тюрго ва бошқалар), классик сиёсий иқтисод мактаби (А.Смит, Д.Рикардо) ва неоклассик иқтисодий назария (А.Маршалл)чилар томонидан илгари сурилган. Мазкур мактаблар вакиллари томонидан ишлаб чиқилган кўчмас мулк обьектларини солиққа тортишга оид ёндашувларни тизимлаштириш кўчмас мулк обьектларини турлари, фойдаланиш мақсадлари, даромад олиш имкониятлари ҳамда қийматини аниқлаш тартиби бўйича фарқлаш улар концепцияларининг асосини ташкил этади деган хulosага келиш имконини беради. Мулк хуқуқи хусусий мулк бўлган мамлакатларда хусусий мулк хуқуқи ва ер қийматининг комбинацияси иккита ижтимоий харажатларни келтириб

чиқаради: ернинг (ёки бойликнинг) қиймати ва бу бойликнинг тенг тақсимланмаганлиги, фойдаланилмаган ернинг қийматини ундириш воситаларидан бири солиқдир[11].

Ер солиғи - бу ободонлаштирилмаган ерларнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда ер эгаларидан олинадиган даврий солиқдир. Ер солиғи бойликларга солиқ солиш ва ерлардан самарали фойдаланиши рағбатлантиришнинг тежамкор воситасидир. Кўпгина адабиётларда назарий жиҳатларга асосий эътибор қаратилган, аммо уларнинг аксарияти бундай солиқни қандай мукаммал жорий қилиш мумкинлиги хақида батафсил маълумотга эга эмас[12].

А.Алексееванинг фикрича маҳаллий ҳокимият органлари ерларнинг кадастр қийматини аниқлашда иштирок этмайдилар, гарчи улар ер солиғини самарали ҳисоблаш учун асос бўладиган тегишли қўрсаткичларни тасдиқлаши ва уларнинг ишончлилиги учун аҳоли олдида жавобгар ҳисобланишади. Шу муносабат билан муаллиф маҳаллий бюджетга тушадиган ер солиғи суммасидан кўпроқ манфаатдор бўлган субъектлар сифатида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига тегишли ваколатларни бериш оқилона ва зарур деб ҳисоблайди[5].

И.Ярдакованинг таъкидлашича ер солиғи ишлаб чиқаришни рағбатлантирмайди, хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитларини тенглаштириш функциясини бажармайди, шунингдек, ер солиғини ҳисоблашдаги мавжуд ёндашув тартибга солиш имконини бермайди, чунки маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларининг аҳамиятсизлиги ерларни муҳофаза қилиш, уларнинг унумдорлигини ошириш билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солишга ёрдам бермаяпти[13].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Тошкулов фикрича қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш доимий равишда ислоҳ қилинмоқда, лекин бу унинг мукаммаллигини кафолатламайди. Солиқ қонунчилигининг бекарорлиги, мураккаблиги ва ноаниқлиги,

инвестиция, инновация ва тадбиркорлик рафбатлантириш учун солиқ механизмларидан кам фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш солиқ тизимининг қишлоқ хўжалигида ўз вазифаларини тўлиқ бажаришга имкон бермайди[8].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан F.Сафаровнинг фикрича республикамизда амалда бўлган бошқа солиқлардан фарқли равишда, кўп йиллардан буён ер участкаларига солиқ солиш тизимини халқаро тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштириш ишлари амалга оширилмади. Амалдаги тизим ва ўрнатилган ставкалар солиқ солишнингadolatлилик тамойили талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу боис, ер участкаларидан солиқ ундириш тартиби ва тизимини қайта кўриб чикиш мақсадга мувофиқ[9]. Ер солиғи маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади, аммо ундан тушадиган бюджет даромадлари жуда оздир. Шу сабабли, давлат олдида ерлардан самарали фойдаланишини таъминлаш, ер солиғини оптималь ҳисоблашни таъминлаш, унинг йигилишини кўпайтириш вазифалари турибди[10].

Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашда ер солиғининг аҳамиятини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш заруратини тақазо қиласди.

### Натижалар.

Республикамизда амалга оширилган ва давом этаётган солиқ тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнида ер солиғига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги пайтга келиб ер солиғи республика солиқ тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Шунга қарамасдан, жаҳон амалиётида бўлгани каби республикамиз замонавий солиқ тизимида ҳам давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий эътибор қўшилган қиймат, фойдадан ва аҳолидан олинадиган солиқларга қаратилган, яъни солиқ юкининг асосий қисми меҳнат ва капиталга тўғри келади.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти таҳлил этилаётган йилларда мунтазам ошиб борган. Шунингдек, Давлат бюджети даромадлари ҳам мос равищда ошиб, 2015-2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 19 фоизини ташкил этмоқда. Қайд этилган йилларда юқори солиқ юки 2020 ҳамда 2021 йилларга тўғри келиб 22 фоиздан юкорини ташкил этмоқда, энг кам солиқ юки 2017 йилга тўғри келиб 15,6 фоизни ташкил этган. Ресурс солиқлари 2015-2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 2,3 фоизини ташкил этган. Таҳлил этилган йилларда ўртача кўрсаткичдан 2015 ва 2017 йилларда 0,8 фоизга, 2016 йилда 0,9 фоизга камни ташкил этган бўлса, 2018 йилдан бошлаб эса ўртача кўрсаткичдан ортиқни ташкил этиб ресурс солиқларининг улуши ошган.

### I-жадвал

#### Ер солиғининг ЯИМ даги улуши[14], (фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Давлат бюджети даромадлари <sup>1</sup> жами	16,5	16,1	15,6	18,6	21,2	22,1	22,4
<b>Ресурс солиқлари, жами</b>	<b>1,5</b>	<b>1,4</b>	<b>1,5</b>	<b>2,4</b>	<b>3,3</b>	<b>3,2</b>	<b>2,8</b>
шундан; ер солиғи	0,3	0,4	0,3	0,4	0,4	0,4	0,6

<sup>1</sup> Давлат максадли жамғармалари даромадларидан ташқари.

Республикамиз солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ер солигини бюджет манфаатлари нуқтаи-назаридан такомиллаштиришга қаратилган йўналишларни белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, бизнингча, давлат бюджети даромадлари таркибидаги ўзгаришларга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- давлат бюджети даромадлари умумий ҳажмининг ўзгариши;
- давлат бюджети даромадлари таркибида ҳар бир солиқ турлари бўйича улушининг ўзгариши;
- солиқ турлари бўйича солиқ тортиш базаларининг ўзгариши;
- солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини ўзгариши ҳамда солиқ

имтиёзларининг қўлланилиши ва бошқалар[6].

Таҳлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда айтишимиз мумкинки, республикамизда ер солиги механизмида солиқ тўловчилар сони ва фойдаланилган ер участкаларини ҳисобга олган ҳолда, ер солигини хўжалик юритувчи субъектларнинг ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишига таъсирини баҳолашнинг имкони йўқ. Ушбу фикримизни ер солигини тўловчилар бўйича тақсимоти динамикаси бўйича асослашимиз мумкин. Жумладан, 2019 йилда ер солигига тортилган ер участкаларининг энг кам қисми, яъни 1,2 фоизи ноқишлоқ хўжалиги корхоналари хиссасига тўғри келгани ҳолда, ундирилган ер солигининг энг кўп қисми, яъни 46,9 фоизи ушбу корхоналар зиммасига тўғри келган.

## 2-жадвал

**Ер солиги суммасини солиқ тўловчилар гурухлари бўйича шаклланиши[15],  
(млрд.сўмда)**

Солиқ тўловчилар	Й и л л а р					
	2016	2017	2018	2019	2020	2021
<b>Ер солиги жами:</b>	<b>966,7</b>	<b>1091,8</b>	<b>1504,2</b>	<b>2313,2</b>	<b>2386,7</b>	<b>4082,8</b>
<b>1. Юридик шахслар</b>	<b>564,0</b>	<b>559,7</b>	<b>838,7</b>	<b>1407,8</b>	<b>1289,9</b>	<b>2641,2</b>
<b>шундан:</b>						
Ноқишлоқ хўжалиги корхоналари	286,5	346,1	535,2	1085,8	624,3	492,5
Қишлоқ хўжалиги корхоналари	1,3	1,1	1,8	4,6	130,4	155,2
Йирик солиқ тўловчилар	-	-	-	-	354,8	1936,5
Деҳқон хўжаликлари(юридик шахслар)	0,1	0,01	0,5	0,4	0,6	0
Ягона ер солиги тўловчилари	276,1	212,6	216,3	273,2	150,6	46,6
Бир гектардан ошган ер майдони учун ер солиги тўловчи ЯСТ тўловчилари	-	-	84,9	14,6	1,1	-
Фойдаланимаётган обьектлар (хусусий мулк) учун оширилган ставкаларда ер солиги тўловчи юридик шахслар	-	-	-	29,2	28,1	10,4
<b>2. Жисмоний шахслар:</b>	<b>402,7</b>	<b>532,1</b>	<b>665,5</b>	<b>905,4</b>	<b>1096,8</b>	<b>1441,6</b>
<b>шундан:</b>						
Деҳқон хўжаликлари(жисмоний шахслар)	2,0	2,3	2,3	1,9	16,9	21,4

Таҳлил этилаётган йилларда бюджетда шаклланган ер солиги суммаларини солиқ тўловчилар гурухлари кесимида таҳлил этадиган бўлсак, 2016-

2021 йилларда давлат бюджетига ер солигидан тушумларда юридик шахсларнинг улуси ўртача 57 фоизни ташкил этиб, энг кам кўрсаткич 2017

йилда 51,3 фоизни, юқори кўрсаткич эса 2021 йилда 64,7 фоизни ташкил этган.

2021 йилда ер солиги бўйича тушумлар 4082,8 млрд сўмни ташкил этиб, тасдиқланган 2941,0 млрд сўмлик прогнозга нисбатан 1141,8 млрд сўм кўп маблағ тушган. 2021 йилда ер солиги бўйича тушумларнинг 2641,2 млрд сўми (64,7 фоизи) юридик шахслар ва 1441,6 млрд сўми (35,3 фоизи) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келган. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, таҳлил этилаётган йилларда жисмоний шахслардан олинадиган ер солигидан тушумлар қарийб 3,6 баробарга ортган. Юридик шахс ташкил этмаган дехқон хўжаликлари томонидан тўланган солик тушумларининг сўнгги йилларда ўсиши кузатилиб, 2016 йилда 2,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 21,4 млрд.сўмни ташкил этгани ҳолда таҳлил этилаётган йилларда деярли 10 баробарга ортган. Мамлакатимизда йирик солик тўловчиларни алоҳида рўйхатга олиниши ҳисобига улар томонидан тўланган солик тушумларида ўзгариш кузатилган. Шунингдек, 2022 йил учун ер солиги бўйича кутилаётган тушум 2021 йилга нисбатан 6,3 фоиз ўсиш билан 3845,0 млрд сўм тушум прогноз қилинган. Ер солиги бўйича прогноз қилинган тушумларнинг 2520,0 млрд сўми (65%) юридик шахслар ва 1325,0 млрд сўми (35%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келиши мўлжалланган[4]. Барпо этилган янги иморатларнинг фойдаланишга топширилиши, кўчмас мулк обьектларини инвентаризация қилиш доирасида кадастр органларининг маълумотлар базасида ҳисобга олинмаган кўчмас мулк обьектларини аниқланиши мол-мулк ва ер соликларидан тушумларнинг ошишига олиб келди. Жумладан, 2016 йилда турар жой фонди обьектлари сони қарийб 5,3 млн. обьектларни ташкил этган бўлса, 2021 йил охирига келиб кўчмас мулк обьектлари сони деярли 8 млн. обьектни ташкил этиб, шундан қарийб 7,5 млн. турар жой фонди обьектлариdir.


Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон солик сиёсатини концепцияси тўғрисида”ги Фармонига асосан айланмадан олинадиган солик тўловчилари мол-мулк солиги, ер солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни ҳам тўлашлари белгиланди ҳамда шунга қадар соддалаштирилган тартибда солик тўловчилар ҳам ер солиги тўловчилар этиб белгиланганлиги 2019 йилда ер солиги тўловчи юридик шахсларнинг улушкининг ортишига сабаб бўлди[3]. Ер солиги тўловчи юридик шахслар таркибида ноқишлоқ хўжалиги корхоналарининг улushi юқори бўлиб, таҳлил этилаётган йилларда уларнинг улushi ўртача 30,4 фоизни ташкил этмоқда. Юридик шахслар таркибида улар томонидан фойдаланилган ер участкалари майдони бошқаларга нисбатан камни ташкил этса-да, энг кўп ер солиги тушуми қайд этилганидек ноқишлоқ хўжалиги корхоналари зиммасига тўғри келмоқда. Ягона ер солигига ўтган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган ер солиги суммасининг 2016-2021 йиллардаги ўртача улushi 13,6 фоизга яқинни ташкил этиб, сўнгги йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улushi таҳлил этилаётган йилларда ўртача 1,6 фоизни ташкил этиб, энг кам кўрсаткич 2017 йилда 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, юқори кўрсаткич эса 2020 йилда 5,5 фоизни ташкил этган.

Фойдаланилмаётган обьектлар (хусусий мулк) учун оширилган ставкаларда ер солиги тўлаш тартиби жорий этилиши ҳисобига 2019 йилда 29,2 млрд.сўм, 2020 йилда 28,1 млрд.сўм ҳамда 2021 йилга келиб 10,4 млрд.сўм ер солигидан тушумлар тушишига эришилган.

Таҳлил этилаётган йилларда жами ер солиги бўйича тушумларнинг ўртача 42,5 фоизи жисмоний шахслар зиммасига тўғри келмоқда. Таҳлил этилаётган йилларда ер солиги тўловчи жисмоний шахслар томонидан тўланган ер солиги бўйича энг

кам улуш 2021 йилда 35,3 фоизни ташкил этган бўлса, юқори улуш 2017 150,0

йилда 48,7 фоизни ташкил этган.



**1-расм. Ер солигидан тушиумларнинг солик тўловчилар бўйича шаклланиши[14]**

Ер солигини тўловчилар томонидан тўланган солик суммаси таркибини ўрганиш жараёнида амин бўлдикки, тадқиқ этилаётган йилларда улар таркибида кескин ўзгаришлар кузатилган. Уларнинг асосий сабаблари сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ер солигини тўловчилар таркибини белгилашдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар. Жумладан, кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун қулай шароит яратиш мақсадида ихчамлаштирилган солик тизимининг амал қилганлиги;

- ер солиги ва ягона ер солиги бўйича солик қонунчилигидаги имтиёзларнинг ўзгариши, имтиёзли муддатларнинг тугаши;

- мамлакатимизда ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасидаги Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши натижасида ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиб борилиши ва ҳ.к.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириша ер солигининг аҳамиятини ва унинг салмоғини таҳлил қиласиган бўлсак, таҳлил қилинаётган йилларда секинлик билан ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. 2021 йилда эса ер солигидан маҳаллий

бюджетларга тушиумлар кўрсаткичлари сезиларли ўсган.

З-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган 2016-2021 йилларда ер солигидан маҳаллий бюджетларга тушиумлар ўртача 4,0 баробарга ортган. Ер солигидан тушиумларнинг мамлакат худудлари маҳаллий бюджетларидағи аҳамияти шуни кўрсатадики, ушбу соликдан тушиумларнинг худудлар маҳаллий бюджетлардаги улуси сезиларли фарқланмоқда.

Маҳаллий бюджетларда ер солиги бўйича тушиумларнинг нисбатан юқори улуси Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Таҳлил қилинаётган йилларда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетида ер солигидан тушиумларнинг улуси ўртача 16 фоизни ташкил этиб, 2019 йилда юқори улуш, яъни 20,3 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, таҳлил этилаётган йилларда ер солигидан тушиумларда энг кам улуш Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жиззах вилояти маҳаллий бюджетига 2016 йилда ер солигидан тушиумлар 29,1 млрд.сўмни ёки жами соликнинг 3,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб мазкур худуд маҳаллий бюджетига ер солигидан тушиум 138,9 млрд.сўмни ташкил этгани ҳолда таҳлил қилинаётган йилларда 4,8 баробарга ортгани ҳолда юқори ўсиш 2021 йилга тўғри келган.

**З-жадвал**

**Маҳаллий бюджетларга ер солигидан тушумларнинг ўзгариш динамикаси[14]**

Т/р	Худудлар	2016 й		2017 й		2018 й		2019 й		2020 й		2021 й	
		млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз
1.	Андижон вилояти	60,5	6,3	70,3	6,4	101,8	6,8	145,6	6,3	154,1	6,5	191,3	4,7
2.	Бухоро вилояти	71,6	7,4	77,4	7,1	83,7	5,6	137,1	5,9	144,4	6,1	339,9	8,3
3.	Жizzах вилояти	29,1	3,0	30,0	2,7	39,9	2,7	63,1	2,7	85,8	3,6	138,9	3,4
4.	Навоий вилояти	50,6	5,2	51,5	4,7	55,1	3,7	74,2	3,2	80,9	3,4	210,1	5,1
5.	Наманган вилояти	55,1	5,7	68,8	6,3	96,5	6,4	136,1	5,9	157,0	6,6	215,2	5,3
6.	Самарқанд вилояти	91,8	9,5	119,3	10,9	146,1	9,7	209,7	9,1	200,3	8,4	326,3	8,0
7.	Сирдарё вилояти	23,6	2,4	23,2	2,1	33,8	2,2	50,9	2,2	60,9	2,6	77,2	1,9
8.	Сурхондарё вилояти	60,3	6,2	72,6	6,6	97,3	6,5	126,9	5,5	150,1	6,3	224,1	5,5
9.	Фарғона вилояти	93,6	9,7	115,1	10,5	147,9	9,8	207,1	9,0	205,4	8,6	316,9	7,8
10.	Тошкент вилояти	124,3	12,9	132,5	12,1	178,3	11,9	285,7	12,4	305,5	12,8	551,1	13,5
11.	Қашқадарё вилояти	81,2	8,4	91,3	8,4	107,3	7,1	177,9	7,7	189,3	7,9	377,7	9,3
12.	Қорақалпоғистон Республикаси	43,8	4,5	51,3	4,7	80,2	5,3	124,8	5,4	164,1	6,9	256,7	6,3
13.	Хоразм вилояти	57,6	6,0	54,9	5,0	73,2	4,9	104,2	4,5	112,2	4,7	175,3	4,3
14.	Тошкент шаҳри	123,6	12,8	133,6	12,2	263,1	17,5	469,9	20,3	376,7	15,8	682,1	16,7
<b>ЖАМИ</b>		<b>966,7</b>	<b>100,0</b>	<b>1091,8</b>	<b>100,0</b>	<b>1504,2</b>	<b>100,0</b>	<b>2313,2</b>	<b>100,0</b>	<b>2386,7</b>	<b>100,0</b>	<b>4082,8</b>	<b>100,0</b>

Ер солиғидан тушумлар таҳлили кўрсатмоқдаки, сўнгти йилда ҳудудларда солиқ тўловчилар сонининг ортиши, шунингдек ихчамлаштирилган солиқ тўловчилар учун ҳам ер солигининг жорий этилиши каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобига тушумларнинг ортишига эришилмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Жиззах вилояти маҳаллий бюджетлари даромадларида ушбу соликнинг аҳамияти юқори эмас.

Жиззах вилояти маҳаллий бюджети даромадларига таъсир кўрсатувчи омилларни эконометрик таҳлилини амалга ошириш мақсадида қўйидаги бир қатор асосий кўрсаткичларни танлаб олишга қарор килдик.

Эконометрик таҳлил учун қўйида келтирилган кўрсаткичлар ва маълумотлар асосида Panel Data жадвали тайёрланди. Panel Data жадвали маълумотлари йиллар ва мамлакатимиз ҳудудлари кесимида аниқ ва сифатли таҳлилий ишланмалар имкониятини беради. Юқорида келтирилганидек, Panel Data жадвали учун маълумотлар Жиззах вилоятининг 13 та тумани доирасида шакллантирилди[16].

Жиззах вилоятида солиқ тушумлари жараёнини эконометрик таҳлилини амалга ошириш учун Panel Data жадвалда келтирилган маълумотлар ва қийматларни STATA дастурида ишлаш учун Panel модели ишлаб чиқилди.

STATA пакетидан фойдаланиб солиқ тушумларига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлилини амалга ошириш учун ўзаро кетма-кетлиқда Panel Data маълумотлари кодлаштириди:

1. *in* сўзи билан ҳудудлар шартли номланиб, ҳудудларнинг номлари қўйидагича Жиззах шаҳри-1, Арнасой тумани-2, Бахмал тумани-3, Галлаорол тумани-4, Шароф Рашидов тумани-5, Дўстлик тумани-6, Зомин тумани-7, Зарбдор тумани-8, Зафаробод тумани-9, Мирзачўл тумани-10, Пахтакор тумани-11, Фориш тумани-12, Янгибод тумани-13 рақами асосида кодлаштирилди.

2. *t* ҳарфи билан 2016 йилдан 2021 йиллар белгиланган ва улар қўйидагича

2016 йил-1, 2017 йил-2, 2018 йил-3, 2019 йил-4, 2020 йил-5 ва 2021 йил-6 сони билан кодлаштирилди, маълумотлар мазкур йилларнинг 31 декабрь ҳолатига олинди.

3. *Daromadlar* – Жиззах вилояти маҳаллий бюджетларига бириктирилган солиқлар ва йиғимлари бўйича даромадлари, млрд.сўмда

4. *Xarajatlar* – Жиззах вилояти маҳаллий бюджетлар харажатлари, млрд. сўм

5. *YuShErST* – Маҳаллий бюджетларга юридик шахслар ер солиғидан тушумлар, млрд.сўмда

6. *JshErST* – Маҳаллий бюджетларга жисмоний шахслар ер солиғидан тушумлар, млрд.сўмда

7. *MBDUSA* – Маҳаллий бюджет даромадларида умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг улуси, млрд.сўмда

8. *MBDBDT* – Маҳаллий бюджет даромадларида бошқа (солиқсиз) даромадлардан тушумлар, млрд.сўмда

9. *STJShS* – Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони

10. *STYuShS* – Солиқ тўловчи юридик шахслар сони

Panel Data маълумотлари турли ўлчов бирлигига келтирилганлиги сабабли уларни битта ўлчов бирлигига келтириш учун *In* тарзда натурал логариф орқали бир хил тартибда олинди, бу STATA пакетида ишлаш учун зарур бўлган *Do* ва *dta* файлларни шакллантириш имкониятини беради.

Panel модели Panel маълумотлари асосида шакллантирилади, яъни кесишувчи ва вақтли қаторлар орқали тузилган маълумотлар ушбу рўйхати ишлаб чиқилди. Panel модели тенгламаларида *it* биргаликда кўлланилади. Масалан, *id* ҳудудлар қатори, *t* вақт қаторлари, у **Daromadlar**,  $x_{1..n}$  дейилганда у га таъсир қилувчи ўзгарувчан кўрсактичлар қабул қилинган.

Эконометрик таҳлил учун Panel модели қўйидаги эконометрик моделлардан иборат бўлади: Pooled OLS estimator(POLSE), First differences estimator

(FDE), Fixed effects estimator(FEE), Random effects estimator(REE).

$$POL S \text{ modeli: } y_{it} = \beta_0 + \beta_1 x_{1it} + \beta_2 x_{2it} + u_{it}$$

$$FDE \text{ modeli: } \Delta y_{it} = \beta_0 + \beta_1 \Delta x_{1it} + \beta_2 \Delta x_{2it} + \Delta u_{it}$$

$$FEE \text{ modeli: } y_{it} - \bar{y}_i = \beta_1(x_{1it} - \bar{x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \bar{x}_{2i}) + (u_{it} - \bar{u}_i)$$

$$REE \text{ modeli: } y_{it} - \bar{y}_i = \beta_0 + \beta_1(x_{1it} - \bar{\theta}x_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \bar{\theta}x_{2i}) + (a_i - \bar{\theta}a_i) + (u_{it} - \bar{u}_i)$$

Биринчи модел энг кичик квадратлар ёрдамида тузиладиган кўп омилли модел билан бир турдаги ҳолатни ифодалайди, иккинчи моделда кўрсаткичларнинг олдинги йиллардаги ўзгариш даражаси таъсири инобатга олинган. Моделларнинг ишончлиги Hausman ва Breusch Pagan тестлари орқали текширилади.

Ушбу гипотеза асосида натижавий омилга таъсир килувчи Panel моделининг Pooled OLS estimator(POLSE), First differences estimator (FDE), Fixed effects estimator(FEE), Random effects estimator(REE) моделларини STATA дастури асосида ишлаб чиқамиз.

reg \$ylist \$xlist						
Source	SS	df	MS	Number of obs	=	78
Model	28.6502474	7	4.09289248	F(7, 70)	=	31.98
Residual	8.96008328	70	.12800119	Prob > F	=	0.0000
Total	37.6103307	77	.488445853	R-squared	=	0.7618
				Adj R-squared	=	0.7379
				Root MSE	=	.35777

Daromadlar	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
Karajatlar	-.006835	.1592657	-0.04	0.966	-.3244804 .3108104
YuShErST	.1012117	.0352581	2.87	0.005	.0308917 .1715317
JshErST	.17861	.0770158	2.32	0.023	.0250067 .3322132
MBDUSA	.0432254	.0166682	2.59	0.012	.0099543 .0764966
MBDBDT	.2142175	.0440071	4.87	0.000	.1264481 .3019869
STJShS	-.42694	.1667046	-2.56	0.013	-.7594218 -.0944582
STYuShS	.7758787	.1958236	3.96	0.000	.3853209 1.166437
_cons	1.356329	.9382085	1.45	0.153	-.5148684 3.227527

## 2-расм. Panel моделининг Pooled OLS estimator(POLSE) модели натижалари

Ушбу натижалар Panel моделининг Pooled OLS estimator(POLSE) модели натижалари бўлиб, Daromad ларга Xarajatlar ҳамда STJShS тескари таъсир этиши аниқланди. STJShSларнинг бир

фоизга ортиши Daromad ларнинг -0.42 фоизга камайишига олиб келар экан. Daromad ларга энг кучли таъсир этувчи омил эса STYuShS омили ҳисобланиши аниқланди.

* First-differences estimator reg D. (\$ylist \$xlist), noconstant						
Source	SS	df	MS	Number of obs	=	65
Model	10.8756362	7	1.55366231	F(7, 58)	=	7.83
Residual	11.511498	58	.198474104	Prob > F	=	0.0000
Total	22.3871342	65	.344417449	R-squared	=	0.4858
				Adj R-squared	=	0.4237
				Root MSE	=	.4455

Daromadlar	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
Karajatlar	-.2641804	.2431095	-1.09	0.282	-.7508169 .2224561
D1.					
YuShErST	.0800894	.0399946	2.00	0.050	.0000315 .1601472
D1.					
JshErST	.3121006	.1971482	1.58	0.119	-.0825344 .7067356
D1.					
MBDUSA	.0179688	.0274784	0.65	0.516	-.0370351 .0729728
D1.					
MBDBDT	.2725239	.0471958	5.77	0.000	.1780513 .3669965
D1.					
STJShS	.5518816	.5527833	1.00	0.322	-.5546344 1.658398
D1.					
STYuShS	.4499311	.4509139	1.00	0.323	-.4526711 1.352533
D1.					

## 3-расм. Panel моделининг First differences estimator (FDE) модели натижалари

First differences estimator (FDE) вакт омилини ҳам ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилған модел бўлиб, бунда омил белгининг бир бирликка ўзгариши бир йилдан кейин натижавий белгига қанчалик таъсир этиши аниқланади. Маълумотлардан кўрадиган бўлсак, бунда Xarajatlar дан бошқа барча танлаб олинган

```
* Fixed effects or within estimator
xtreg $ylist $xlist, fe
```

```
Fixed-effects (within) regression
Group variable: id
```

```
R-sq:
within = 0.4782
between = 0.8682
overall = 0.7123
```

```
corr(u_i, Xb) = -0.7560
```

Daromadlar	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
Karajatlar	-0.284222	.2511366	-1.13	0.262	-.7869264 .2184824
YuShErST	.0882648	.042479	2.08	0.042	.0032339 .1732957
JshErST	.291725	.1323725	2.20	0.032	.0267527 .5566973
MBDUSA	.0223571	.0253729	0.88	0.382	-.0284322 .0731464
MBDBDT	.2460293	.0570905	4.31	0.000	.1317502 .3603084
STJShS	.0319188	.4192119	0.08	0.940	-.807225 .8710626
STYuShS	.789855	.3723653	2.12	0.038	.0444849 1.535225
_cons	-1.903884	3.543575	-0.54	0.593	-.8.99712 5.189352
sigma_u	.35425935				
sigma_e	.34616147				
rho	.51155991				(fraction of variance due to u_i)

```
F test that all u_i=0: F(12, 58) = 1.40
```

```
Number of obs = 78
```

```
Number of groups = 13
```

```
Obs per group:
min = 6
avg = 6.0
max = 6
```

```
F(7, 58) = 7.59
Prob > F = 0.0000
```

#### 4-расм. Panel моделининг Fixed effects estimator(FEE) модели натижалари

Fixed effects estimator(FEE) модели F testi бўйича иқтисодий жиҳатдан ишончли бўлиб, F testi нинг эҳтимоллиги 0,000 га тенглиги модельнинг адекватлигини ифодалайди. Ушбу модел бўйича ҳам STYuShS энг яхши таъсир этувчи омил эканлиги аниқланди. Мазкур омил

белгининг бир фоизга ортиши натижавий белгининг 0.78 фоизга кўпайишига таъсир этади.

Random effects estimator(REE) модели ҳар бир туман бўйича ўртачалари натижавий белгига қанчалик таъсир этиши орқали ишлаб чиқилади.

```
* Random effects estimator
xtreg $ylist $xlist, re theta
```

```
Random-effects GLS regression
Group variable: id
```

```
R-sq:
within = 0.4435
between = 0.9390
overall = 0.7618
```

```
corr(u_i, X) = 0 (assumed)
theta = 0
```

```
Number of obs = 78
Number of groups = 13
```

```
Obs per group:
min = 6
avg = 6.0
max = 6
```


```
Wald chi2(7) = 223.83
Prob > chi2 = 0.0000
```

Daromadlar	Coef.	Std. Err.	z	P> z	[95% Conf. Interval]
Karajatlar	-.006835	.1592657	-0.04	0.966	-.31899 .30532
YuShErST	.1012117	.0352581	2.87	0.004	.0321071 .1703163
JshErST	.17861	.0770158	2.32	0.020	.0276617 .3295582
MBDUSA	.0422254	.016682	2.59	0.010	.0105294 .0759215
MBDBDT	.2142175	.0440071	4.87	0.000	.1279651 .3004699
STJShS	-.42694	.1667046	-2.56	0.010	-.753675 -.100205
STYuShS	.7758787	.1958236	3.96	0.000	.3920715 1.159686
_cons	1.356329	.9382085	1.45	0.148	-.4825254 3.195184
sigma_u	0				
sigma_e	.34616147				
rho	0				(fraction of variance due to u_i)

#### 5-расм. Panel моделининг Random effects estimator(REE) модели натижалари

Hausman ва Breusch Pagan тестлари олиб борилган илмий тадқиқот асосида шакллантирилган эконометрик моделлар ишончли эканлиги, хуносаларни

иқтисодий маънога эга эканлигини, натижаларни иқтисодий карорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкинлигини тасдиқламоқда.



**6-расм. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари**

Ишлаб чиқилган тўртта модельнинг қийматлари бўйича шундай хуносага келдикки, Жиззах вилоятлари туманлари кесимида маҳаллий бюджет даромадларига солик тўловчи юридик шахслар сони энг муҳим омил ҳисобланиб, ушбу омилнинг бир фоизга ортиши ўртача маҳаллий бюджет даромадларини 0,77 % ортишига таъсир этади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ресурслардан фойдаланиш даражасига ва атроф-муҳитга таъсирига қўра солиққа тортиш тизими яратилмас экан, мамлакатимизда ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган иқтисодий механизмининг самарадорлигини таъминлашга эришиб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш борасидаги ислоҳотлар жараёни улар фаолиятига давлатнинг аралашувига доир бўлган муносабатларни биргаликда такомиллаштириш амалга оширилганда гина ўзининг самарасини бериши мумкин.

**Хуноса.** Шу ўринда ер солифидан тушумларнинг маҳаллий бюджетлардаги аҳамиятини оширишга қаратилган фикр-

мулоҳазаларимиз борасида тўхталадиган бўлсак, айтишимиз мумкини, унинг амалдаги механизмда қатор муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда ер солифи ставкалари ердан фойдаланиш мақсадига кўра белгиланган бўлсада, унинг ставкасини белгилашдаги асосий мезон қилиб ернинг бонитети, яъни сифатининг эътиборга олиниши адолатли ҳолат албатта, лекин республикамизда ер солифи юкининг асосий қисми ноқишлоқ хўжалиги корхоналари ҳиссасига тўғри келган бир шароитда, улар учун ер солифи обьектининг ер майдони ҳисобланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ноқишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эмаслигини эътиборга олган ҳолда, бундай корхоналар учун ер солифи обьекти ер участкалари майдони эмас, балки ернинг жойлашувига, унга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланган ернинг қийматидан ундирилиши ўзини моҳиятини кўпроқ намоён этади.

Ер солифининг амал қилиш механизмини таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда айтишимиз мумкини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ер ресурсларидан самарали ва оқилона



фойдаланиш механизми кўп жиҳатдан солиқка тортиладиган ер участкалари майдони ва ер солиги ставкаларига боғлиқ ҳолда шаклланади[7].

Фикримизча, ер солиги ставкаларини белгилашда ер майдонининг жойлашуви, сифати, этишириладиган маҳсулот тури эътиборга олиниши лозим, яъни ердан олинадиган амалий фойда назарда тутилиши керак.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларида ерлардан фойдаланадиган юридик шахслар учун ер солиги ставкаларини уларнинг фаолият турига қараб табақалаштириш лозим.

Мамлакатимизда босқичма-босқич ер қийматининг иқтисодий (бозор) қийматини жорий этиш ва ушбу қийматдан келиб чиқкан ҳолда солиқ ставкаларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ер солигини тўлаш тартибини бузганлик учун белгиланган молиявий

жазо ва маъмурий жарималарни микдорини ошириш лозим, чунки амалдаги солиқ ставкалари ер солигини маҳаллий бюджетларга тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлай олмаяпти.

Ривожланган мамлакатлар ижобий тажрибасидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ер ва мол-мулк солигини бирлаштирган ҳолда қўчмас мулк солигини жорий этиш асосида маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, маҳаллий бюджетлар бириктирилган даромадларини кўпайтириш, шу жумладан ер солигидан тушумларни ошириш орқали маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятини янада ошириш бугунги куннинг асосий ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаверади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021. – 19 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси. <https://lex.uz/docs/152653>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2022 йил учун бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Хисоб Палатасининг холосаси. <https://ach.gov.uz/uz/lists/view/176>.
5. Алексеева А. Полномочия органов местного самоуправления по налогообложению земли. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Белгород – 2012.стр-23.
6. Мейлиев О.Р. Налоговые факторы экономического развития регионов // Экономика и бизнес: теория и практика. 2017. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovye-faktory-ekonomicheskogo-razvitiya-regionov>.
7. Мейлиев О. Р. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамиятини ошириш //Молия ва банк иши илмий электрон журнали.–Т.: БМА. – 2020. – №. 3. – С. 297-306.
8. Тошкулов А. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида рафбатлантириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №5, октябрь, 2021 йил.
9. Сафаров F. Табиий ресурс ва мол-мулкларни солиқка тортишни такомиллаштириш.



"Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2019 йил.

10. Тўлаков У. Ўзбекистонда ер солиги ривожланиши истиқболлари. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnalı. № 3, may-iyun, 2021 yil.
11. Peter Wyatt. From a property tax to a land tax – who wins, who loses?. Land Use Policy 31 August 2019. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719307975>
12. Cathy Hughes, Sarah Sayce, Pete Wyatt. Implementing a land value tax: Considerations on moving from theory to practice. 2020. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719315704>.
13. Ярдякова И. Совершенствование земельного налога с применением земельной ренты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Бишкек-2011. стр-30.
14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.
16. Жиззах вилояти молия ва солиқ бошқармалари маълумотлари.